



Ислом Нури

Уларнинг ночор аҳволларини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари ўзгарди. У зот кириб кетдилар, сўнг чиқиб келиб Билолга азон айтишни буюрдилар. У азон айтди, сўнг иқомат айтди. Намоз ўқидилар, сўнг хутба қилиб дедилар: **«Эй инсонлар!**

Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1), **«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (Қиёмат Куни) учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар!**

Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳашр: 18). Кимдир диноридан, кимдир дирҳамидан, кимдир кийимидан, яна кимдир дон-дунидан бир соъ, бошқа биров бир соъ хурмо, ҳатто яримта хурмо бўлса ҳам садақа қилсин. (Биринчи бўлиб) ансорлардан бир киши зўр-базўр кўтариб оғир бир халта олиб келди, шундан сўнг одамлар бирин-кетин (нарсалар олиб) кела бошладилар, ҳатто мен икки уюм озиқ-овқат ва кийим-кечак тўпланганини кўрдим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари қувончдан ёришиб кетганини кўрдим, сўнг у зот дедилар: **«Ким Исломда яхши бир ишни бошлаб берса, унга шу ишнинг ва ўзидан кейин шунга амал қилган кишиларнинг савоби ҳеч кам бўлмай берилади. Ким Исломда ёмон ишни бошласа, унга шу ишнинг ва ўзидан кейин шунга амал қилган кишиларнинг гуноҳи ҳеч кам бўлмай берилади»** (Имом Муслим ривояти).



Шарҳ:

Садақани яширинча бериш ҳаммага кўрсатиб, очиқ-ошкор беришдан кўра яхши. Чунки бунда риёдан узоқлик ва садақа берилаётган одамни кишилар кўзидан яшириш ҳосил бўлади. Бироқ, баъзан одамларни садақага тарғиб қилиш каби шаръий манфаатлар туфайли садақани ошкора бериш ҳам яхши бўлади. Ҳадисда зикри келган ансорлардан бўлган бир киши садақа олиб келишни бошлаб берди ана шундан кейин уни кўрган одамлар ҳар ким ўз ҳолича нарса олиб кела бошлади. Бунга кўрган Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Исломда яхши бир ишни бошлаб берса» ҳадисини айтдилар.

Бугунги дарсдан олинган фойдалар:

1. Манфаатлар туфайли садақани ошкор бериш мумкин;
2. Бу нарса риё бўлмайди, балки яхшилик қилишда ўрнатилган кўрсатиш саналади.